

10. Халқ сўзи. 2018 йил, 21 июнь, 125-сон.
11. Халқ сўзи. 2018 йил, 12 декабрь, 256-сон.
12. Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 10 сентябрь.
13. Халқ сўзи. 2019 йил, 5 январь, 2-сон.
14. Kun. UZ телеграмм канали. 2019 йил, 11 ноябрь.
15. Uzelteksanoat. Фейсбук телеграмм канали. 2019 йил, 17 декабрь.
16. Янги Ўзбекистон. 2020 йил, 7 август, 147-сон.
17. Янги Ўзбекистон. 2020 йил, 7 август, 147-сон.
18. Қалампир телеграмм канали. 2020 йил. 30 август.
19. Қалампир телеграмм канали. 2020 йил. 30 август.
21. Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 15 сентябрь, Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 17 сентябрь, Халқ сўзи телеграмм канали. 2020 йил, 28 сентябрь.
22. Kun. UZ телеграмм канали. 2019 йил, 11 ноябрь.

ЧОР РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН СИЁСАТИ ВА УНИНГ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА РИВОЖЛАНИШИ

Сафаров Бахтиёр Саттарович,

Термиз давлат педагогика институти Тарих ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Турли даврларда Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги, ирригация ишларига турлича муносабат шаклланди. Чор Россияси Туркистонда пахта яккахокимлигини бутунлай қарор топтиришга, бутун мамлакатни пахта ҳом ашё базасига айлантиришга ҳаракат қилди. Мазкур мақолада Чор Россия империяси пахтачилик соҳасида олиб борган сиёсати ва унинг совет ҳокимияти даврида ривожланиши масалалари ёритилган.

Калит сўз ва иборалар: Россия империяси, қишлоқ хўжалиги, ирригация, Америка пахта нави, монополия, пахтачилик, ҳом ашё базаси.

Аннотация: В Центральной Азии в разные периоды формировались разные взгляды на сельское хозяйство и ирригацию. Царская Россия пыталась полностью установить хлопковую монополию в Туркестане, превратит всю страну в сырьевую базу хлопка. В данной статье описывается политика Царской Российской империи в области производства хлопка и его развития в советский период.

Ключевые слова и фразы: Российская империя, земледелие, ирригация, американский сорт хлопка, монополия,

хлопководство, сырьевая база.

Abstract: Different attitudes towards agriculture and irrigation were formed in Central Asia in different periods. Czarist Russia tried to completely establish a cotton monopoly in Turkestan, to turn the whole country into a raw material base for cotton. This article describes the policy of the Tsarist Russian Empire in the field of cotton production and its development during the Soviet period.

Key words and phrases: Russian Empire, agriculture, irrigation, American cotton variety, monopoly, cotton growing, raw material base.

Ўрта Осиёда ҳудуди қадимдан ўзининг унумдор ерлари, ҳосилдор далалари, сувга тўла анҳорлари, ўзига хос иқлими, қуёшли кунларнинг мўллиги билан кўчманчи ва ўтроқ аҳоли вакиллари жалб этиб келган. Натижада бу ҳудудда тош асридан бошлаб зироатчиликка асосланган аҳоли масканлари вужудга келиб, аҳоли сони орта бошлаган. Ўртоқ ҳаётга ўтиш қучайиб, катта яшаш манзилгоҳлари вужудга келган. Савдо-сотиқ ривожли эса бу манзилгоҳларни бошқа ўлка аҳолиси билан боғлаган. Шу сабабли ҳудудга турли ўлкалардан янги ўсимлик турлари ҳам кириб келди. Улар орасида пахта ўзига хос

ўринга эга бўлиб, унинг Ўрта Осиёга кириб келиши қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, кийим-кечак ишлаб чиқариш соҳасида янги саҳифани бошлаб берди. Шу даврдан бошлаб бу ҳудудда пахта деҳқончиликлдаги асосий экинлардан бирига айланди.

Турли даврларда Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги, ирригация ишларига турлича муносабат шаклланди. Кучли давлат ҳукмдорлари даврида ирригация ишлари яхши ривожланган бўлса, доимий қирғинбарот урушлар вақтида кўплаб сув ўтказгичлару, нахрлар вайрон этилди. Аммо, ушбу заминнинг табиий унумдорлиги, серҳосиллиги, деҳқончиликка қулайлиги бу муммоларни тезда бартараф этиб, яна қишлоқ хўжалигини тикланишига олиб келди. Афсуски, қишлоқ хўжалигидаги ютуқлар XVIII-XIX асрларда кузатилган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қолоқликлар таъсирида тезда йўққа чикди. Чунки Ўрта Осиёнинг учта давлатида кузатилган тангликдан ўз манфаатлари учун ечим топган Россия империяси бу ҳудудни эгаллаш режасига киришган эди.

Россия билан иқтисодий алоқаларнинг кучайиши энг аввало уларнинг Ўрта Осиё пахтасига бўлган қизиқиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, бу икки ўлканинг иқтисодий алоқалари айниқса Петр I давридан анча кучайди[1]. Ўз навбатида, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигида пахта қишлоқ хўжалигидаги асосий маҳсулотлардан бирига айланиб бўлган эди. Масалан, Бухоро амирлигидаги аҳолининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлиб, суғориладиган ерларнинг 75 фоизига пахта экилган[2].

Россия империясининг XIX асрда Европанинг саноати ривожланган давлатларидан тобора ортиб, саноат ривожини учун талаб этиладиган хом ашёга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, Ҳиндистон ва у орқали Осиёнинг марказий қисмига кириб кела бошлаган инглизларнинг босқинчилик фаолияти ҳарбий жиҳатдан қолоқ ҳолатдаги Ўрта Осиё хонликларини империянинг нишонига айлантирди. XIX асрда ёзилган кўплаб сафарнома ва эсдаликларда[3] Ўрта Осиёнинг табиий бойликлари, маҳаллий

аҳоли ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, йўллар ва ҳарбий истехкомлар аҳволи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва унинг империя манфаатлари хизмат қила олиши даражаси ёритиб кетилган. Бу асарларда Туркистон ва бошқа ҳудудлардаги деҳқончилик ва ундаги пахтачилик ҳолатига босқиндан аввал ва кейинги баҳо бериш учун фойдали ҳисобланади.

1861-1865 йилларда Шимолий Америкада бошланган фуқаролар уруши туфайли Америка пахтасининг Россияга келиши тобора камайиб бориши, Туркистон пахтасига бўлган эҳтиёжни ортиб боришига бевосита таъсир қилди. Империя пахта саноатида катта қийинчиликлар бошлангани унинг ҳарбий режаларини тезлаштирган бўлса, пахта толасига куйилган нарх-навонинг ошиши эса маҳаллий бойларни пахта майдонларини кенгайтиришга ундади. Шу сабабли ҳам Ўрта Осиёда пахтачиликнинг кескин равишда ўсиши 1862 йилга тўғри келиб, Россияга жўнатилаётган пахтанинг миқдори икки баробарга ошди[4].

XIX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб ўлкада Америка пахтасини экиш кенг тус ола бошлади. Масалан, 1889 йилга келиб, Ўзбекистондаги барча пахта майдонларининг ярмидан купига Америка пахта навлари экилиб, ҳосилдорлик буйича ҳам бу нав биринчи ўринга кўтарилди. Биргина рақамларга эътибор қилинса, 1888-1913 йиллар мобайнида Фаргона вилояти буйича Америка пахтаси экиладиган экин майдонлари 34,7 мингдан 274,9 минг десятинагача ёки 700 фоиз, Сирдарё вилояти буйича эса 25,8 мингдан 76,7 минг десятинагача, яъни 139 фоизга ошди. Фаргона вилояти буйича бутун суғориладиган майдонларнинг 31 фоизига Америка пахтаси экилган[5].

Россия империяси қулаши арафасида пахта майдонлари империяга қарамлик давридаги энг юқори кўрсаткични қайд этди. Хусусан, 1916 йилга келиб Туркистон ўлкасида пахта экиладиган майдонларнинг миқдори 680811 десятинага етди ва суғориладиган барча ерларнинг 31 фоизини ташкил қилди[6].

Туркистонда XX аср бошларидаги

пахтачилик саноати ҳолатини ёритиб берувчи бир қанча тадқиқотлар[7] ёзилган бўлиб, улардаги маълумотлар Туркистоннинг қай даражада Россия империясига қарам бўлиб қолгани, деҳқончиликка яроқли барча ерларни пахта далаларига бериб юборилиш, сув иншоотларини бу эҳтиёж учун тобора кўп сафарбар қилиниши, пахтанинг ташиб кетилиши ва қайта ишланиши, аҳолининг иқтисодий аҳволи турли даражада ёритиб берилган.

1917 йилда империянинг кулаши ва бошқарувга большевиклар бошлиқ ҳукуматнинг келиши Туркистон ва хонликлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшиланишига олиб келмади. Чунки Совет ҳокимияти йилларида марказнинг чекка ўлкалардаги иқтисодий сиёсати ҳам империя ҳукумати сиёсатидан деярли фарқ қилмади. Бу нарса айниқса Туркистон ўлкасида олиб борилган пахта сиёсатида яққол кўзга ташланади.

Янги келган ҳукумат ҳам асосий эътиборни Туркистонда пахта яккахокимлигини бутунлай қарор топтиришга, бутун мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини Ўрта Осиё хонликлари хисобига қондиришга, бу ерда саноатнинг фақат айрим енгил турларини ривожлантириб, бўлажак Ўзбекистонни ҳам ашё базасига айлантиришга қаратди. Ўлкадаги иқтисодий муаммолар, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, турли хил касалликларнинг кўпайиши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, ижтимоий ҳолатнинг кескинлашуви империя ҳукумати мутлақо қизиқтирмагандек, бошкевиклар раҳбарларини ҳам режаларига таъсир қилмади. Агар илгари подшо Россияси манфаатлари йўлида ўлка талон-тарож қилинган бўлса, эндиликда “социалистик” ғояларни ҳаётга татбиқ этиш тажрибасини ишга солинди[8].

Туркистоннинг барча кучларини пахта саноати ривожига қаратилиши оқибатида 1917-1918 йиллардан эътиборан очарчилик кенг тус ола бошлади. 1917 йилда бошланган озиқ-овқат каҳатчилиги 1921 йилга қадар чўзилиб кетди. Хўжалик ҳаётининг ҳамма соҳаларида вайронагарчилик кучайди. XX

аср 20 йиллари бошларида аҳвол секин-аста ўнгланиб, экин-тикин майдолари кенгайиб борди. Бу ҳолатни ўз кўзлари билан кўрган ва вазиятни ўнглаш учун қаттиқ курашган Т.Рискулов “Биз ҳозир шундай пайтга етиб келдикки, ҳар куни ўн минглаб кишилар кирилиб кетмоқда ва шундай пайт келиши мумкинки, бутун бир миллат йўқ булиб кетади”, деб бежиз айтмаган эди[9].

Мамлакатдаги очлик, оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга қарамай пахта сиёсатидаги режалар оғишмай амалга оширилиши қаттиқ назоратга олинган эди. 1918 йилдан бошлаб режа асосида Туркистон ўлкасида пахтачиликни юксалтириш учун кураш бошланди. Пахта ишлари бўйича Халк Комиссарлигининг 1918 йил 10 мартдаги фармонига асосан пахта етиштирадиган деҳқонларга ёрдам кўрсатиш тадбирлари кўрила бошланди. Бунга асосан пахта етиштирадиган деҳқонларга чигитни имтиёзли шартларда сотиб олиш имкони берилди[10]. Ўлкада етиштирилаётган пахта устидан тезроқ ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, мавжуд пахта ҳосилини иложи борица тезроқ марказга ташиб кетиш мақсадида 1918 йил 12 январда Совет давлати пахта тайёрлаш, уни сотиш, сотиб олиш устидан давлат монополиясини ўрнатди.

Мамлакатдаги сиёсий танглик, очарчилик, аҳоли моддий таъминотининг жуда ҳам сустлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари устидан ўрнатилган кучли назорат, ортиқча маҳсулотларни тортиб олиниши, чорвачилик ва бошқа соҳалардаги инкироз, буларнинг барчаси пахтачилик саноатини йилдан-йилга пастлаб кетишига сабаб бўлди. Биргина мисол, 1913 йилда пайхта етиштиралидан майдонлар 422726 десятинадан 1920 йилда 87622 десятинага, ҳар бир десятинадан олинадига пахта ҳосили тегишли йилларда 95 пуддан 25 пудга, толанинг чиқиши 30 фоиздан 28 фоизга тушиб кетди[11]. Пахта толаси марказга жўнатиллиши ҳам тўхтаб қолмади. Оғир бўлган 1919 йилда ҳам Россияга Туркистондан 8566 вагонда 4283 минг пуд пахта толаси жўнатилди[12].

Қишлоқ хўжалигининг ривожига албатта ирригация ишлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. Бу пайтда Ўрта Осиё суғориш

шаҳобчаси 98 та маҳаллий тармоқлардан иборат эди. Маҳаллий суғориш тармоғи империя ҳукумати томонидан маблағ билан таъминланмас эди. Бу ишларни ҳал этиш билан асосан маҳаллий аҳоли шуғулланар, улар сув иншоотларини таъмирлаш, яхши сақлаш, миробларни маблағ билан таъминлаш каби ишларни амалга оширар эдилар. Бу мақсадлар учун йилига 10-12 миллион сўм маблағ сарфланар, яъни ҳар бир гектар суғориладиган ер учун 30 сўмдан 34 сўмгача пул зарур бўлар эди[13]. Бу рақам Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида турлича эди. Жумладан, Хоразм вилоятида бу рақам 190 сўмгача етар эди.

1915 йилги маълумотларга кўра, Ўрта Осиёдаги умумий суғориш майдонининг ҳажми 3425000 десятирани ташкил қилар, жумладан, собиқ Туркистон ўлкаси бўйича бу рақам 2400000 га тенг эди. Мазкур майдонларнинг аксарият қисмидан пахта етиштириш учун фойдаланилар эди. Масалан, Ўрта Осиё бўйича бу мақсадлар учун 690000 десятина ер ажратилган экан.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда XX асрда сезиларли ютуқларга эришила бошланди. Бу даврнинг характерли хусусияти шундаки, энди маҳаллий аҳолининг ирригация, сув иншоотларидан фойдаланишда тўплаган бой тажрибаси XX асрда қўлга киритилган гидротехника, ирригация ва мелиорация фанлари эришган ютуқлар билан мустаҳкам равишда боғлана бошланди.

Ирригация ишларини жадаллаштириш, унумдор ерларни сув билан таъминлашда 1920 йиллар айниқса алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фақатгина 1922-1924 йиллар давомида республика ҳудудида 50 йил давомида қурилганидан кўпроқ сув иншоотлари барпо этилди. Қишлоқ хўжалигида, жумладан пахтачиликда экстенсив йўлдан бориш, монокультурага ёпишиб олиш айнан 20-30 йилларнинг меваси эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик даркор.

Маълумки, 20-йилларнинг бошларида Ўрта Осиёда миллий давлатчилик ҳаракати туфайли амалга оширилган миллий-давлат чегараланиши натижасида бу ердаги мавжуд ирригация ва сувдан фойдаланиш сиёсатида

ҳам айрим ўзгаришларни амалга ошириш лозим, деб топилди. Бу сиёсатга асосан энг аввало эски суғориш тармоқларини тартибга келтириш ва янгиларининг тармоғини кўпайтириш, сувни исроф қилишни бартараф этиш, сувни асосан камбағал деҳқон хўжаликлариغا бериш, жумҳуриятдаги барча сув захираларини ҳисобга олиш, янги экин майдонларини сув билан таъминлаш, ирригация тармоқларини яхшилаш лозим эди.

1918 йилда Ўрта Осиёдаги суғориладиган ерлар 3743,1 минг гектарни ташкил қилган бўлса, шундан 1809,5 минг гектари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келар эди.

Октябр тўнтаришидан кейинги бир неча йиллар давомида ерсиз деҳқонларга ер берилиши натижасида бу ерларда суғориш иншоотларини барпо этиш истиқболлари пайдо бўлди. Аммо афсуски, якка хўжалик шароитида ирригация иншоотларини қуриш, ундан самарали равишда фойдаланиш тажрибасининг етишмаслиги 1918–1923 йилларда ирригация ва ерни суғориш ишларида орқага кетишга олиб келди.

Бу даврда фуқаролар уруши оқибатида ирригация тармоқларини йиллик таъмирлаш ишлари тўхтаб, кўплаб гидротехник қурилмалар ишлатиб бўлмас даражага келиб қолди. Масалан, Ҳиндикуш тўғони ва Мурғобдаги сув тақсимлаш иншооти: Ровот – Хўжа тўғони, Зарафшондаги Оқ – Қорадарё сув тақсимлаш иншоотлари ва бошқар шулар жумласидандир. Мазкур гидротехник иншоотларнинг бузилиши оқибатида сувнинг 50 фоизигина ирригация тармоқларига келиб туша бошлади. Натижада суғориш майдонлари 1915 йилдаги 2395 минг гектардан 1922 йилда 1180 минг гектаргача камайди. Айрим вилоятларда эса бу кўрсаткич ниҳоятда пасайиб кетди[14].

Хуллас, СССРнинг Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик соҳасида олиб борган сиёсати Россия империяси давридаги сиёсатдан деярли фарқ қилмади. Турли даврларда Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги, ирригация ишларига турлича муносабат шаклланди. Кучли давлат ҳукмдорлари

даврида ирригация ишлари яхши ривожланган бўлса, доимий қирғинбарот урушлар вақтида кўплаб сув ўтказгичлару, нахрлар вайрон этилди. Аммо, ушбу заминнинг табиий унумдорлиги, серхосиллиги, деҳқончиликка қулайлиги бу муммоларни тезда бартараф этиб, яна қишлоқ хўжалигини тикланишига олиб келди. Афсуски, қишлоқ хўжалигидаги ютуқлар XVIII-XIX асрларда кузатилган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қолоқликлар таъсирида

тезда йўққа чиқди. Чунки Ўрта Осиёнинг учта давлатида кузатилган тангликдан ўз манфаатлари учун ечим топган Россия империяси бу ҳудудни эгаллаш режасига киришган эди.

Асосий катта даромад эса бу ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида яна Ўрта Осиёга қайта сотаётган марказий республикалар ғазнасига тушаверди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 35.
2. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 35.
3. Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг. гвардии генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. Ч. 1-2. М.: В Типографии Августа Семена, 1822. 182 с.
4. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 54.
5. Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. – Л., 1925. – С. 72-73.
7. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство Туркестана. М.: Тип. В. Киришбаума, 1908. 512 с.
8. Расулов А., Режаббоев Н. Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолияти. – Фарғона, 2012. – Б. 11-12.
9. <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/577-maqola.html> (Фойдаланилган сана: 12.01.2023)
10. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 78.
11. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 79.
12. УзССР Марказий Давлат архиви, 111-фонд, 1 - руйхат, 940 -иш, 123-варақ.
13. МЛИ Ўзбекистон филиали партия архиви 62-фонд, 1-рўйхат, 426-иш, 802-варақ.
14. Проблемы ирригации республик Средней Азии. – Тошкент, 1934. – Б. 6.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА СОҲАДА КЎП ТАРМОҚЛИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

Кадирова Яқитжан Бувабаевна,

Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети доценти

Аннотация: Мустақиллик арафасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари саноатида бўҳронли ҳолатни кузатиш мумкин. Мустабид совет тузуми даврида hududlar саноати ўта биқик тарзда маълум бир йўналишлар асосида ривожланиб, ярим тайёр маҳсулотлар, яъни хомашёга дастлабки

ишлов беришга ихтисослашган эди. Асосан аграр ишлаб чиқаришга мослашганди. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликка ҳос кўп укладли тизимнинг шаклланиши, қолаверса, республикаимиз ҳукумати ва Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳокимиятларининг ташаббуси билан